



НОМУТАНОСИБ СЕМАНТИК БИРИКУВЛАРНИНГ КОНТЕКСТДА МОСЛАШУВИ ВА ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ ҚИЁФАСИНИ ТАСВИРЛАШДА ЭСТЕТИК- ЭМОЦИОНАЛ ТАЪСИРИ

Даниева М.Дж.

Қариш давлат университети PhD

Калит сўзлар: концепт, мантиқий муносабат, когнитив, лисоний, асар, прагматик, компонент, контекст, концептуал фаолият, оксюморон.

Бадий асар тили илмий адабиётлар тилидан тубдан фарқ қилади. Илмий тил бирор бир соҳага оид тушунча, концептларнинг мантиқий муносабатлари, уларнинг воқеликдаги предмет-ҳодисалар билан боғлиқлигини таҳлил қилиш йўли билан оламнинг лисоний қиёфасини тасвирлайди ҳамда шу йўсинда илмий билим ҳосил қилишга кўмаклашади. Бу жанрдаги матнларда маънолар бирикиши қатъий назоратда, когнитив андозалар ва лисоний ифода воситалари камдан-кам ўзгаради.

Бадий асарда муаллиф тил тизимида мавжуд бўлган воситалар захирасига мурожаат қилади, лекин баъзан бу захира унинг эҳтиёжини тўлиқ қондирмай қолади. Тизимда муаллиф интенциясига жавоб берадиган бирлик мавжуд бўлмаслиги ёки бори ҳам мўлжалдаги прагматик самарага етишишга қодир бўлмаслиги мумкин. Бундай ноқулайликни бартараф этиш йўлини қидираётган муаллиф тил бирликларини иккиламчи, кўчма маъноларда қўллашга мажбур. Когнитив ва субъектив баҳо – ахборотни ягона лисоний шакл доирасига бирлаштириш усулида юзага келтириляётган бундай номинатив бирикма муаллиф идиолектининг, унинг индивидуал лисоний тафаккур фаолияти ҳосиласидир. Аммо бундай бирликлар ўз-ўзича, тартибсиз пайдо бўлмайди, уларда ифода шакли меъёрлари бузилиши мумкин, концептларнинг мантиқий мослашуви қоидаси эса ўз кучини йўқотмайди. Сўз бирикмаси компонентлари ўртасидаги мазмуний номутаносиблик маълум контекстда ўз кучини йўқотади ва аксинча, у

коммуникатив-прагматик мазмун ифодасининг фаол воситасига айланади.

Тавсифланган усулда сўз бирикмаларини шакллантириш бадий ижоднинг маҳсулдор омилларидан бирига айланиб улгурган. Номутаносиб десигнатларнинг контекстдаги мослашуви бадий ифода учун заруратга айланиб бормоқда ва бу ҳодиса тил табиатига ҳос қонуниятларнинг бузилиши эмас, аксинча, уларнинг фаоллиги, ҳаракатланувчанлиги намунаси сифатида қаралгани маъқул. Олам идроки жараёнида инсоннинг тажриба, билим сарҳадлари кенгайиб боргани сари унинг лисоний фаолиятида ҳам инновацион характердаги ўзгаришлар юзага келиши муқаррар. Шунингдек, Ш.Сафаров таъкидлаганидек, “инсонлар концептуал фаолияти қандайдир муҳимлиги ва бир бутунлиги таъминланган тизимдан иборат эмас. Бизга воқелик ҳақидаги билимимиз ва тажрибамизни турлича идрок этиш, умумлаштириш ва англаш қобилиятини Яратганнинг ўзи ато этган” [4:28]. Номутаносиб маънолар мослашуви йўли билан ҳосил бўладиган бирикмалар, табиий тил қонуниятлари зид эмаслигининг исботини ушбу бирикмаларнинг бадий матнларда кенг қўламда қўлланиб келинаётгани ва бадий мазмун ифодасининг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилаётганида кузатамиз.

Номутаносиб семантик бирикувларнинг экспрессив самараси, айниқса, поэтик асарларда юқори бўлишини таърифлаган М.В.Никитиннинг қайдича, “поэзияда мазмун танлови – поэтик матнда маънолар бирикуви



(муносабати) мантикий нормаларнинг бузилишидир” [3: 81]. Агар биз олим таклиф қилган таҳлил методидан фойдаланиб, инглиз адиби Д. Томаснинг “On No Work of Words” шеъридаги охириги мисрадан олинган “*Ancient woods of my blood...*” сўз бирикмасининг мазмун бўлакларини мантикий норма асосида жойлаштирсак, унда бу бирикма *woods of my ancient blood* кўринишини олган бўлар эди. Нарсалар ва уларнинг хусусиятларини аташ учун М.В.Никитин N символидан фойдаланишни тавсия қилган, унда биз қайта танлаган бирикма N₁ (*woods*) – N₂ (*ancient*) – N₃ (*blood*) кўринишига эга ва бу сўз бирикмасининг мантикий давомийлиги қуйидагича бўлиши керак: N₁ (N₂ N₃). Аммо матндаги *ancient woods of my blood* бирикмаси қисмларининг семантик мослашуви бошқача: N₂ (N₁ N₃), чунки N₃ бўлаги (*blood*) синтактик жихатдан N₁ (*woods*) га тобедир, N₂ (*ancient*) эса N₁ ва N₃ ўртасидаги муносабатларни изоҳловчи элемент вазифасини ўтайди.

Юқорида келтирилган мантикий-семантик андозада тузилган сўз бирикмасининг поэтик услубдаги нутқда кенг қўлланиши ушбу услуб семантик нормаларнинг эркинлашувига кенг йўл очиб бераётганлигидан воқиф этишини таъкидлаётган М.В.Никитин бундай сўз бирикмалар узул хусусиятга ҳам эга бўлишини ва улар нутқий фаолият тизимининг бошқа соҳаларида ҳам учрашини уқтиради [3: 82]. Масалан, *mad house, dead list, retired list, stone age* каби сўз бирикмалар мазмуни барчага таниш ҳамда қўлланиш кўлами кенг.

Бу турдаги сўз бирикмаларининг турли матнларда қўлланиш хусусиятлари семантик-прагматик таҳлили асосида уларнинг у ёки бу матн экспрессив, прагматик таъсир доирасининг кенгайиш даражасини аниқлаш имконияти туғилади. Ишонамизки, шу мундарижадаги экспрессив функция барча турдаги сўз бирикмаларига маълум даражада хосдир. Семантик жихатдан номувофик лексемаларнинг сўз бирикмаларини ҳосил қилиши турли стилистик мақсадларни кўзлайди. Бу турдаги сўз бирикмаларнинг

стилистик мақсадда қўлланишини – *It was not the depression of failure, but the depression of success* [6: 76] гапи мисолида кузатган И.С.Азнаурова бундай бирикишнинг эстетик-эмоционал таъсири кучли эканлигини қайд этади [1: 65].

Ҳақиқатдан ҳам семантик номувофикликдан стилистик мувофиқликка кўчиш ҳолатларининг ўрганилиши сўз бирикмалари эстетик вазифалари кўламини аниқлаш имкониятини кенгайтиради. Сўз бирикмалари деривацияси жараёнида мавжуд грамматик, лексик қоидаларнинг бузилиши, қабул қилинган нормадан узоклашиши, одатда, оксюморон ҳодисасини юзага келтирувчи манба ҳисобланади. Сўз бирикмаларининг оксюморон кўринишида матнда қўлланиши сўзловчи ёки ёзувчининг рухий кечинмаларини, воқеликдаги қарама-қаршилиқлар, мураккабликларни батафсил ҳамда ҳиссиётли баён қилиш шароитини туғдиради. Жумладан, севгининг яширин ҳиссиётли қарама-қаршилиқларга бой эканлигидан зорланаётган Ромеонинг нутқини эслайлик:

*O brawling love! O loving hate!
O anything! Of nothing first create.
O heavy lightness! Serious vanity!
Misshapen chaos of well-seeming
terms! [8:507]*

Кўринадики, Ромео нутқининг таъсир кучини ошириш учун В.Шекспир семантик-мантикий бирикиш нормасининг бузилиш намуналари бўлган сўз бирикмаларни биргина тўртликда қаторлаштириб териб чиққан. Оксюморон услуби сифатида қараладиган бу услуб персонаж руҳияти, севги можароларидан қанчалик даражада тўйганлигини (ёки рухланаётганлигини) тасвирлаш билан боғлиқ прагматик мақсадни амалга оширишнинг йўлидир. Аммо *grief ago, best enemy, first friend, hot snow, sour rose, laughing grass, lined table* каби сўз бирикмалари оксюморонини шакллантириш доимий талаб эмас. Тил бирликларининг валентлик хусусиятларини ўзгартириш йўли билан метонимик бирикмалар ҳамда голофраза



қурилмаларини ҳосил қилиш мумкин. Қиёсланг: *I will make a palace fit for you and me Of green days in forest and blue days at sea* [7: 193]

Ушбу матн парчасида қўлланилаётган *green days* ва *blue days* сўз бирикмаларининг экспрессивликни ифодалаш қобилияти кучайиши сабаби дастлаб уларнинг шаклланишида семантик валентлик қоидаларига амал қилинмаганлигида бўлса, кейинги ўринда, синтактик муносабатларнинг билвосита кўринишида бўлиши билан изоҳланади, мантиқан *green* ва *blue* адъюнктларининг тайёрлиги *forest* ёки *sea* компонентлари сари йўлланган бўлиши керак эди. Шу боис М.В.Арнольд ушбу голофраза усулидаги сўз бирикмаларни ўқувчи мантикий нормага риоя қилган ҳолда, *days in green forest* ва *days in blue at sea* тузилишида идрок этади, деган хулосага келади [2: 91].

Ушбу турдаги бирикмалар нутқ вазиятидан юлиб олинганда мантиқсиздек туюлади, лекин биз уларни қуйидаги сабабларга кўра мазмунли бирикмалар қаторига киритамиз:

1. Маълум нуткий вазиятлар, мулоқот контекстида семантик белгилар номуносивлиги йўқолади, чунки бирикма компонентларидан бирида маъно кўчиши юзага келади ва бунинг натижасида янгидан пайдо бўлган семантик белги идрок қилинаётган предмет-ходиса номига мослашади.

2. Бундай бирикувда номуносивлик таассуроти изсиз йўқолмайди, у сўз бирикмалари компонентларининг “ботиний шакли” кўринишида сақланади. Чунки бирламчи маъно сўз семантик структурасидаги ўрнини бўшатиши қийин.

Бундан, таҳлил қилинаётган сўз бирикмалари семантик структурасини меъёردаги ва номеъёрий мослашувлар яхлитлигида қараш лозимлиги англашилади. Бу турдаги семантик деривация жараёнлари сўзларнинг бирламчи ва иккиламчи маъноларини қамраб олади. Иккиламчи маъно, ўз

навбатида, турли кўринишга эга бўлиши мумкин:

а) луғатларда қайд этиладиган ва узус доирасига кирган маъно. Масалан, *key* сўзининг бирламчи маъноси *a metal instrument for moving the bolt of the lock* бўлса, унинг кўчма маъноси “*something that explains answers, or helps you to understand*” [5:604] кўринишида таърифланади;

б) сўзнинг кенг қўлланиши натижасида анъанага кирган, лекин луғатларда қайд этилмаган маъноси. Мисол тариқасида “*баҳор*” лексемасининг инсон ҳаётида маънавий ўзгаришларни ёритишда ишлатиладиган маъносини келтириш мумкин;

с) окказионал хусусиятга эга ва фақат алоҳида бир контекстда тушуниш мумкин бўлган кўчма маъно (*оқ олтин*).

Барча турдаги иккиламчи маъноларнинг биз таҳлил қилаётган бирикмаларда фаоллашув ҳолатлари кузатилишини инкор этиб бўлмайди, албатта. Бироқ улардан баъзилари фақат маълум контекстларда фаоллашувини, бошқалари эса сўз бирикмасининг умумий мазмунида узул кўринишида мавжудлигини фарқлаш талаб қилинади. Қиёсланг:

*Midwinter spring is its own season
Simpiternal though sodden towards
Suspended in time, between pole and
tropic... (Eliot)*

Ушбу матндаги *midwinter spring* бирикмасининг таркиб топишини кузатадиган бўлсак, иккала компонентнинг ҳам бирламчи маънолари мослашув мантиққа зид. Матн *spring* сўзининг одатдаги луғавий маъносида кўчим юзага келаётганидан дарак беради. Биринчи компонент *midwinter* сўзининг бирламчи маънода, иккиламчи маънодаги *spring* билан бирикиши ўзига яраша коммуникатив-прагматик мазмунли янги сўз бирикмасининг ҳосил бўлишига туртки бермоқда.

Шундай қилиб, *sad, joy* туридаги сўз бирикмалари катта гуруҳининг таҳлили номуносивлик самараси бўлган бирламчи маънолар қарама-қаршилигида



юзага келади. Мантикий мослашувни тиклаш учун эса компонентлардан бирининг бирламчи маъноси фаоллашуви даркор ва бунинг натижасида сўз бирикмаси нормага мос равишда қабул қилинади. Сўз бирикмасининг семантик структурасида бир пайтнинг ўзида бирламчи ва иккиламчи маъноларнинг пайдо бўлиши бирикманинг матн коммуникатив мазмунидаги улушини бир хисса оширади.

Таҳлил қилинган сўз бирикмаларининг норма доирасида идрок этилиши иккиламчи маъноларнинг контекстда фаоллашув шарти билан боғлиқ. Контекст сўз бирикмаси компонентининг қайси матн бўлаги зоҳирлашаётганлигини ҳамда қайсиниси тағмаъно кўринишида қолишини аниқлаб беради. Ушбу бирикмалар бўлақларининг мантикий ва семантик номувофиқлиги “алдамчи” кўринишга эга, маълум контекстда бунда номувофиқлик семантик мослашув мақомини олади. Энг асосийси, зид маъноли ва мантиқан мослашмайдиган сўзларнинг ягона бир номинатив бирлик – сўз бирикмаси таркибига бирикиши фақат поэтик асарлар матни билан чегараланмайди. Маълумки, бадий асарларнинг асосий мақсади ўқувчига таъсир ўтказишдир. Бу мақсадга эришиш эса муаллифдан матннинг прагматик “юки”ни оширувчи ифода воситаларини тўғри танлашни ва жўяли қўллашни талаб қилади. Шу мақсадни кўзлаган ижодкор сўз бирикмалари тузилишидаги семантик валентлик қоидаларининг бузилишидан ҳам ижодкорона фойдаланади. Худди шу сабабга кўра “нормадан ташқари” бирикувларга бадий адабиётнинг бошқа жанрларида ҳам мурожаат қилинади. У ёки бу ижодкор томонидан яратилган бу турдаги сўз бирикмаси бошқа матнларда ҳам такрорланиб туриши сабабли секин-аста нормага айлана бошлайди ва уларнинг маъносини англаш осонлашади. Бундан ташқари, *terribly smart*, *awfully beautiful*, *best enemy* каби баъзи сўз бирикмалари

аста-секин оммавийлашиб, ҳозирги кунда оғзаки нутқда кенг миқёсда қўлланила бошлади. Аммо улар ҳатто бу қўлланишда ҳам ўз функционал хусусиятини йўқотмасдан, нутқнинг эмоционаллик бўёғини кучайтирадилар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тугал коммуникатив ҳодиса – матн таркибида сўз бирикмаси турли хил вазибалар бажаради ва у матн категориал белгилари ифодаланишида иштирок этади ҳамда унинг бу иштироки матн шакллантирувчи қийматга эга бўлади, бундай қиймат сифат ва сон кўрсаткичларига эга.

Матн ва сўз бирикмалари структур хамкорлигини кўрсатувчи меъёрлардан бири уларнинг иккаласига ҳам тугаллик ва яхлитлик хусусиятларининг ҳослиги. Сўз бирикмаси структурвий яхлитлиги унинг матнда қўлланишида намоён бўлади, унинг структур яхлитлигини исботловчи меъёр–нутқий тузилма таркибида унинг етакчи бўлаги мустақил компонент сифатида қўлланила олмаслигидир.

Сўз бирикмаси мураккаб объектив ҳодисаларни атовчи, уларга баҳо берувчи “тайёр материал” сифатида мулоқот матнларидан ўрин олади. Мазмун доираси сигнификатив-денотатив ва турли коннотатив семалар тизимини ташкил қиладиган ушбу бирикмалар матн шаклланишида муҳим восита ҳисобланади ва матн асосий категориялари шаклланишида иштирок этади.

Тил бирликлари тизимида муқим ўрин эгаллайдиган сўз бирикмалари ҳам муайян даражада эстетик қийматга эга. Эстетик маъно сўз бирикмалари семантик структурасини бойитадиган ҳамда матн таркибида фаоллашадиган мазмуний ҳодисалар қаторига киради. Демак, сўз бирикмаси маъносини маълум контекстларда вариантлашув қобилятига эга бўлган, денотатив ҳамда коннотатив семали бўлақлар уйғунлигида шаклландиган ҳодиса кўриниши сифатида қараш муҳимдир.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. – Ташкент: Фан, 1988. – 121 с.
2. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. Стилистика декодирования. 3 изд. – Москва: Просвещение, 1990. – 301 с.
3. Никитин М.В. Лексическое значение слова (структура и комбинаторика). – Москва: Высшая школа, 1983. – 127 с.
4. Сафаров Ш. Когнитивтилунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.
5. Longman Dictionary of English Language and Culture (LDELIC). – Barcelona: Longman, 1992. – 1555 p.

Матнлар

6. Fleming I. For Your Eyes Only. Five Secret Occasions in the Life of James Bond. – London: Pan Books, 1992. – 191p.
7. Smith G. A morning to remember. – London: Pan Books, 1994. – 348p.
8. The Complete Works of William Shakespeare. – New York, 1989. – 3004p.

Даниева М. Контекстуальное согласование семантических образований и их эстетико-эмоциональное воздействие на описание языковой картины мира. В статье обсуждаются текстообразующие возможности словосочетаний в английском языке. Выражение экспрессивного содержания текста в виде оксюморон словосочетаний было проанализировано на основе примеров, взятых из произведений английских писателей. Он также основан на теоретических знаниях известных ученых-лингвистов.

Daniyeva M. Contextual concordance of semantic expressions and their esthetic-emotional influence on description of lingual world picture. The article deals with the possibilities of English phrases in the process of formation texts. Expression of the expressive meaning of the content of the text in the form of oxymoron of phrases was analyzed on the basis of samples taken from the works of English writers. It is also based on the theoretical knowledge of famous linguist scientists.